

# ПУДРАТШАРТНОМАСИ №6

«29» сентябрь 2022 й.

Г.Осиё ш.

“Бухара новострой МЧЖ” М.Ч.Ж (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади. Ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **Б.Қутлиев** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва **Бухоро туман хокимлиги** (корхона, ташкilot, муассасаноми), кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи **Х.Жўраев** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани кўйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича “Пудратчи” «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан Бухоро туман Қавола-махмуд маҳалла биносини қуриш ишлари бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **219 190 000** сўмни ташкил этади.

## 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим» қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати **219 190 000** (Икки юз ўн тўққиз миллион бир юз тўқсон минг ) сўмни ташкил киласди.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши олдиндан 30% тўлов амалга оширилгандан сўнг

2.3. Таъмирлашишларининг тугашивақти «30» октябрь 2022 йил.

## ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ , БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги 4.1 бандида курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сунг таъмирлаш ишларини бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли фармонига асосан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши тақиқланган. “Пудратчи” мазкур фармонга амал қилиши шарт.

3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Таъмирлашни тўхтаб колганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

## 3. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи **219 190 000** сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи» гашартнома нархининг 30 % ёки **65 757 000** сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг **октябрь ойида** амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим килгандан сўнг яъни (**Ф-2, Ф-3**) далолатномалари орқали амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори **153 433 000** сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70% фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил **октябрь** амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкilotи томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

## 4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси **219 190 000** сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Маҳсус таъмирлаш ишларини бажариш учун маҳсус ёлланма пудратчи ташкilotларни жалб киласди.

5.3. Ҳар хафтанинг душанба кунида жорий хафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у холда буюртмачига қўйидаги

тартибда жарима тўлайди: - таъмирлаш муддати 10 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,5 % микдорида;-кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5 % микдорида;  
-ундан кейинги муддатлар учун 20 % микдорида;  
Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт

.5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида 2-сонли далолатномани тузади..

## 5. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» маҳсус хисоб-ракамидан хар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нархини 0,04% микдорида «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. “Буюртмачи” тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

## 7. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан хўжалик судларида ҳал этилади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома 2014йил 1-январдан амалга киритилган бюджет Кодексининг 122-иоддасига асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга кирадива 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

“Бухоро новострой” М.У.  
(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Бухоро шахор  
Муассин кун. 18/165 хона  
Тел./факс: 90-612-14-55  
x/v 2020 8000 900 831 449 001  
МФО: 00088 СТИР: 304887732  
ОКОНХ: 41202

«Буюртмачи»

Бухоро туман ҳокимлиги

Манзил: Буюк ипак юли кучаси 54 уй

Тел./факс 54-23-215  
x/v 301821860062077011204018001  
СТИР: 200868869  
ОКОНХ: 97600

Ғазначилик бўлинмаси номи Бухоро туман  
ғазначилик бўлинмаси  
Ғазна x/v \_\_\_\_\_

Банкнинг номи \_\_\_\_\_

МФО \_\_\_\_\_

Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ \_\_\_\_\_

Рахбар \_\_\_\_\_  
(лавозим)  
(Ф.И.Ш.)



Рахбар: \_\_\_\_\_  
(лавозим) Х.Жўраев  
(Ф.И.Ш.)

(имзо)

М.Ў.

Хамидов 20.03.13

Хуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Гуваҳнома (Диплом) № ва берилган санаси: